



Научно-образовательный электронный журнал

# **ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ**

Выпуск №12 (том 3)  
(март, 2021)



Международный научно-образовательный  
электронный журнал  
«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ»

УДК 37

ББК 94

**Международный научно-образовательный электронный журнал  
«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №12 (том 3) (март,  
2021). Дата выхода в свет: 31.03.2021.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Миссия научно-образовательного электронного журнала «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает работников сферы образования (воспитателей, педагогов, учителей, руководителей кружков) и школьников, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов

## **РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

Пестерев С.В. – гл. редактор, отв. за выпуск

---

Батурин Сергей Петрович	кандидат исторических наук, доцент
Боброва Людмила Владимировна	кандидат технических наук, доцент
Богданова Татьяна Владимировна	кандидат филологических наук, доцент
Демьянова Людмила Михайловна	кандидат медицинских наук, доцент
Еремеева Людмила Эмировна	кандидат технических наук, доцент
Засядько Константин Иванович	доктор медицинских наук, профессор
Колесников Олег Михайлович	кандидат физико-математических наук, доцент
Коробейникова Екатерина Викторовна	кандидат экономических наук, доцент
Ланцева Татьяна Георгиевна	кандидат экономических наук, доцент
Нобель Артем Робертович	кандидат юридических наук, доцент
Ноздрина Наталья Александровна	кандидат педагогических наук, доцент
Павлов Евгений Владимирович	кандидат исторических наук, доцент
Петрова Юлия Валентиновна	кандидат биологических наук, доцент
Попов Сергей Викторович	доктор юридических наук, профессор
Табашникова Ольга Львовна	кандидат экономических наук, доцент
Тюрин Александр Николаевич	кандидат географических наук, доцент
Усубалиева Айнура Абдыжапаровна	кандидат социологических наук, доцент
Фаттахова Ольга Михайловна	кандидат технических наук, доцент

O`QITUVCHI NUTQ MALAKASINI SHAKLLANTIRISH YO`LLARI Xamrayeva Nazira Ravshanovna	861
RECYCLING TECHNOLOGY USING BATTERY WASTE AND OTHER LEAD SAVINGS OF SECONDARY RAW MATERIALS Rakhmataliev Shohruh Ashur o`g`li, Berdiyarov Bakhriddin Tilovkabulovich, Kadirov Nodir Abdusamikovich, Khojiev Shokhrukh Toshpulatovich	867
HIGH PRECISION OPTOELECTRONIC SYSTEM MOTION ANALYSIS FOR BIOMECHANICS Ablaqulov Kamoliddin Bahriddinovich, Oripova Shahlo Karimovna, Nortojiyeva Muxayyo Zafarovna, Avlakulov Jamoliddin Bahriddinovich	880
MAKTABGACHA TA`LIM MUASSASALARIDA TA`LIM TIZIMINI YARATISHDA INTIZOMIY JIHLARNING AHAMIYATI Rahimberdiyeva Yulduzxon Jahongir qizi	892
MUSTAQIL BILIM OLISH JARAYONIDA MANTIQIY FIKIRLASHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI Sanobar Asilova Xatambojevna	900
THE ESSENCE OF THE PRAGMATICS IN ENGLISH: COMPLIMENTS AND RESPONSES TO COMPLIMENTS Sadriyeva Gulvisar Sodiq qizi, Bozorova Mashxura Otabek qizi	904
MUSA JALIL IJODIDA VATANPARVARLIK TIMSOLI Ozoda Odiljon qizi Abdullayeva	909
O`ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA IQTISODIYOTNING TUTGAN O`RNI Nabiyev Ilxomjon Muxammadjon o`g`li	913
MECHANISMS OF USING CASE TECHNOLOGY IN THE PERFORMANCE OF PRACTICAL TASKS Nishonova Munira Yakubjonovna	918
PENSIYA FONDLARINING DAROMADLARINI SHAKLLANTIRISH MEKANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH Norbo`tayev Ibrohim Bahriddinovich	924
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЧИСИНИНГ КАСБИЙ КОМПИТЕНТЛИГИ ВА МАХОРАТИНИНГ МАЗМУНИ Норқўзиева Манзура Абдурахмоновна	929
СЛОВООБРАЗОВАНИЕ ИМЕН СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ И ПРИЛАГАТЕЛЬНЫХ В СОВРЕМЕННОМ РУССКОМ ЯЗЫКЕ Еркулов Джахонгир Фахридинович	934
EFFECTIVE WAYS OF TEACHING PRONUNCIATION IN PRIMARY CLASSES Farmonova Gulzoda Jahonovna	940

**ФИО автора:** Норқўзиева Манзура Абдурахмоновна

Жиззах давлат педагогика институти

Мактабгача таълим методикаси

кафедраси ўқитувчиси

**Название публикации:** «МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ  
ТАРБИЯЧИСИНИНГ КАСБИЙ КОМПИТЕНТЛИГИ ВА МАХОРАТИНИНГ  
МАЗМУНИ»

**Аннотация:** Ушбу мақолада мактабгача таълим ташкилотида тарбиячининг ўрни, тарбиячилик касби ва унинг педагогик махоратининг мазмуни ёритилган.

**Калит сўзлар:** ёш хусусиятлар, моҳирлик, педагогик маҳорат, миллий маданият, масъулият.

**Аннотация:** В статье описывается роль воспитателя в организации дошкольного образования, образовательная профессия и содержание его педагогических умений.

**Ключевые слова:** молодые особенности, мастерство, педагогическое мастерство, национальная культура, ответственность.

**Abstract:** This article describes the role of the educator in the organization of preschool education, the educational profession and the content of his pedagogical skills.

**Keywords:** young characteristics, skill, pedagogical skills, national culture, responsibility.

Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон «2017 - 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосан илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, таълим-тарбия бериш, мактаб таълимига тайёрлаш бўйича давлат талабларини белгилайди. Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига ўтиши ҳамisha унинг ҳаёти, ахлоқи, қизиқиш ва муносабатларида жиддий туб ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болани мактабгача таълим

ташкilotида мактаб таълимига тайёрлаш, боланинг ёш хусусиятига доир билим, кўникма ва малакалар билан таништириш керак бўлади.

Тарбиячи ёш авлодимизни баркамол, етук фарзандлар қилиб тайёрлашдек муҳим, фахрли иш билан бирга масъулиятли вазифани бажаради. Тарбиячининг илмий, сиёсий етуклиги болаларни тарбиялаш сифати учун халқ ҳамда жамият олдидаги ўз масъулиятини англашга, таълим-тарбия вазифаларини ижодий ёндашишга, ўз маҳоратини доимо такомиллаштириб боришига ёрдам беради. Тарбиячи аввало, билимли бўлиши, ўзи яшаб турган улкан ҳаётини билиши, табиат ва жамиятнинг қонуниятларини тушуниши, ижтимоий фаол бўлиши, умумий ва мактабгача тарбия педагогикасини, болалар руҳияти ва физиологиясини эгаллаши ва болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиши талаб этилади. Педагогик тарбиячининг ҳар бир фаолиятни таҳлил қилишга илмий нуқтаи назардан ёндашуви болани ҳар томонлама ривожлантириш муваффақиятини амалга оширишга имкон беради.

Республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар бугунги кунда мактабгача таълим ташкilotида, ёш авлодни билимлар билан уроллантириш миллий қадриятларимиз, маънавиятимизни тиклаш жаҳон маданияти, миллий маданиятимиз дурдоналари билан таништириш, уларни жисмоний соғлом маънавий етук қилиб тарбиялашдек вазифалар қўйилди. Педагогик арафли, лекин жуда мураккаб касб. Яхши бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун қоидалар, умумлаштирилган услубий ғоялар баён этилади, ёш индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади. Мактабгача таълим ҳаёти кичик педагогик жараён бўлиб жуда хилма - хилдир. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса педагогдан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарликни, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб қилади. Педагогик касби ўз моҳиятига кўра индивидуал ҳисобланади. Ҳар бир педагогнинг ҳаётининг ўрни ўз ишининг устаси бўлиши, жуда илғор, билимдон ёки ўз ишини моҳирлик билан бажарувчи деб ифодаланади. Педагогик маҳорати унинг фаолиятида кўринади. Педагог - педагогик жараён

қонуниятлари ва механизмларини яхши эгаллаган бўлиши лозим. Шу маънода педагогнинг умумлашган малакалари, унинг педагогик техникаси катта аҳамиятга эгадир.

Тарбиячи юксак даражадаги педагогик маҳоратга, чунончи коммуникативлик лаёқатига эга бўлиш, педагогик техника, нутқ, юз, қўл, оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, жест, пантомимика) қонуниятларини чуқур ўзлаштириб олиш зарур.

Касбий-педагогик компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади. Ўз устида ишлаш – педагогнинг изчил равишда ўзининг касбий БКМ ва шахсий сифатларини ривожлантириб бориш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиши. Мактабгача таълим ташкилотида тарбиячининг ўз устида ишлаш куйидаги кўринишларда намоён бўлади:

- ✚ касбий БКМни такомиллаштириб бориш;
- ✚ фаолиятга танқидий ва ижодий ёндашиш;
- ✚ касбий ва ижодий ҳамкорликка эришиш;
- ✚ ишчанлик қобилиятини ривожлантириш;
- ✚ салбий одатларни бартараф этиб бориш; ижобий сифатларни ўзлаштириш.

Педагогларнинг ўз устиларида изчил, самарали ишлашларида фаолиятга лойиҳали ёндаша олишлари қўл келади. Уларнинг лойиҳали ёндашув асосида куйидаги моделни шакллантира олишлари мақсадга мувофиқдир. Мактабгача таълим ташкилотида тарбиячи тарбияланувчиларни кўзата оладиган, уларни хулқи, хатти-ҳаракати сабабларини тўғри таҳлил қилиб, унга таъсир этувчи воситаларни қўллай оладиган бўлиши керак. Давлат аҳамиятига молик бундай вазифани амалга оширишда мактабгача таълим ташкилоти муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун ҳар бир тарбиячи ўзини талаб ва назорат қила билиши давлатимиз мактабгача таълим ташкилоти олдида қўйган талабларни амалга ошириши ва педагогик қобилияга ва маҳоратга эга бўлишлари шарт. Педагогик қобилиятлар деганда, тарбиячининг шахсий қобилиятлари тарбиячининг ақлий, эмоционал–иродавий жиҳатларини, ташкилотчилиги, билимдонлиги ва уларнинг бир-бирига

боғлиқлигини ҳамда яхлит бир бутунлик касб этиши тушунилади . Мактабгача таълим ташкилотида тарбиячининг педагогик маҳоратга эришиш педагогнинг муайян шахсий сифатлари билан амалга ошади. Педагогик маҳорат тарбиячининг юксак даражада педагогик фаолиятининг тараққий этишини, педагогик техникани эгаллашни, шунингдек, педагог шахси, унинг тажрибаси, фуқоролик ва касбий мавқеини ифодалайди. Педагогик маҳорат категория сифатида ўзининг илмий асосларига эга. Педагогик маҳоратга доир илмий ёндашувлар бу ҳолатга нисбатан қуйдагича хулоса қилишга имкон берди: педагогик маҳорат касбий фаолиятдаги индивидуалликнинг ёрқин кўриниши сифатида тушунилади. Педагогик маҳорат категорияси касбий фаолият нуқтаи назаридан киши индивидуаллигига асосланади. Ўзини ўзи таҳлил қилиш педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилишидир. Ўзини ўзи таҳлил қилиш орқали педагог ўзини ўзи объектив баҳолаш имкониятига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, педагогларнинг касбий компетентлик сифатларига эга бўлишида уларнинг ўз-ўзини баҳолаш малакаларига эгаллиги ҳам муҳимдир. Ўзини ўзи баҳолаш субъект учун шахсий имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзига объектив баҳо бериш, ўзидан қониқишни таъминлайди. Ўз-ўзини баҳолаш шахснинг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиши зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин шахсни бунга бевосита тайёрлаш мумкин. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби мактабгача таълим ташкилотида тарбиячининг ҳам ўзини ўзи самарали баҳолай олишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Бу эса унинг доимий равишда ўз устида ишлашига, шахсий компетентликка эга бўлишига ёрдам беради.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Г.В.Елдашева, Г.Қ.Каримова. “Тарбиячининг касбий маҳорати ва компетентлиги” модули. Т. 2018й. 155 бет
- 2.М.Усмонова . Ўқувчи шахсига йўналтирилган педагогик технологиялар Таълим технологиялари. 2016 йил. 4-сон.



3. М.Усмонова .Педагогик жараён лойихаси – машғулотлар самарадорлигини таъминлаш воситаси сифатида Бошланғич таълим ва жисмоний маданият ёналишида сифат ва самарадорликни ошириш: муаммо ва ечимлар Халқаро илмий конференция. Тошкент. 25 май, 2017 йил
4. Г.И.ХАСАНОВА “Таълим жараёнида дастурлаштирилган ўқитиш технологиясидан фойдаланишнинг афзалликлари” Жиззах: 2020. 420 бет. 223-225б
5. М.А.Норқўзиева Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда буюк сиймоларнинг роли Самарқанд 2020
6. НорқўзиеваМанзураАбдурахмоновна European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Ensuring professional stability 48-52 б.